

## ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ВА УНДА ИНТЕГРАЦИЯ

ИСМАИЛОВ МУРОДУЛЛА ҚАХРАМОНОВИЧ  
ТерДУ ўқитувчиси, Термиз шаҳар

*Аннотация.* Ушбу мақолада таълим жараёнига интеграцион ёндашувнинг илмий-назарий асослари ҳақида маълумотлар келтирилган. Шунингдек, “интеграция” тушунчасининг моҳияти, унинг турлари ва асосий йўналишлари ёритиб берилган.

*Калит сўзлар:* интеграция, таълим интеграцияси, интегратив курс, бадиий педагогика, виртуал музейлар педагогикаси.

*Аннотация.* В статье рассматриваются научно-теоретические аспекты интеграционных подходов в обучение а также определение термина интеграции её значения виды и основные направление.

*Ключевой слова:* интеграции, интеграционный обучений, курсь интегратив, художественная педагогика, виртуальный музейный педагогика.

Республикамизда таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислохотларда таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграцияси тез-тез тилга олинмоқда. Таълимнинг ҳозирги замон фан – техника тараққиёти, бозор иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш билан узвий ҳамкорликда ривожланиши зарурлиги “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”даги аҳамиятли ғоялардан биридир. Шунинг учун ҳам таълимни ривожлантиришда интеграциядан унумли фойдаланиш долзарб вазифага айланмоқда.

Таълимнинг глобаллашуви шароитида фанлараро узвийликни кенгроқ қўллаш аини заруриятдир. Фанлараро узвийлик тамойилига таяниш таълим муассасалари ўқув жараёни учун тадбиқий тус олиши лозим.

**Интеграция**-айрим бўлақларнинг ёки элементларнинг бир-бирига қўшилиши, бир бутунга айланиши, яхлитланишидир. “Интеграция” тушунчаси ХВИИИ асрдаёқ Спенсер томонидан изоҳланган эди. «Интеграция» сўзи латинча “*integratio*” - тиклаш, тўлдириш, «*интегер*» бутун сўздан келиб чиққан. [ 2, 5-б. 3, 234-б ]

В.И.Зверев интеграцияни узвий боғланиш, яхлитликни яратиш, турли ўқув фанлари элементларини уйғунлаштириш асосида ягона синтезлаш жараёни, деб тушунтиради.

Г.Ф.Федорсовнинг интегратив – тематик ёндашуви ҳам фанларни интеграциялаб ўқитишнинг педагогик асослари бўлиб ҳисобланади. Интегратив – тематик ёндашувда ўқув жараёнининг мазмуни, методик ва ташкилий бирлиги сифатида ўқув фанининг мавзуси (бўлими) олинади. Ҳар бир мавзунинг етакчи ғоялари бир томондан курснинг етакчи ғояларига тегишли бўлади, иккинчи томондан бу ғоялар моҳиятини очиб беради, яъни мавзуни ўрганиш жараёнида етакчи ғоялар аниқлаштирилади. Ўқув фанининг етакчи ғоялари (тушунчалар, қонунлар, ҳодисалар ва назариялар) ўрганадиган материалларнинг моҳиятини ифодалайди, ички бирлиги ва органик яхлитлигини таъминлайди. Бундай ёндашув ўқитишни сермазмун ва методик бирликдаги уюшган, самарали ташкил этишга ёрдам беради.

Таълим интеграцияси – фанлараро алоқанинг юқори даражаси, бир бутун интеграллашган билимларни яратишга имкон берувчи восита. Интеграция тушунчасига берилаётган таърифлар турлича; ушбу таърифларнинг умумийлик томони- интеграция бу атрофимиздаги борлиққа яхлит қарашга эришишдан иборат.

Интеграция фанларнинг механик бирлашиши бўлмай, балки фанлараро синтез бўлиб, алоҳида тизимларнинг яқинлашиши, боғланиши ва ягона бир янги нарсанинг яратилишидир.

Интеграция курси - ўқув фанларидан бири бўлиб, фанлараро билимларни (интегратив билимларни) чуқурлаштириш ва ошириш, уларни шакллантириш учун ўрганилади. Интеграция - дифференсациянинг акси бўлиб, унга тескари бўлган жараёндир. Уни қуйидаги йўналишларда тадбиқ этиш мақсадга мувофиқ:

- а) ўқув фанлари ва фанлар доирасидаги мазмунни интеграциялаб ўрганиш;
- б) турли ўқув фанларидан таҳсил берувчи шахсларнинг фаолиятларини интеграциялаш;
- в) таълим-тарбия ишини ташкил этиш шакллари ёки ўқув кунини интеграциялаш.

Профессор Б.С.Абдуллаева фанлараро алоқадорликни қуйидаги турларга ажратиб кўрсатади: 1) мазмунли; 2) операцион; 3) методик; 4) ташкилий. Олиманинг таъкидлаганидек, кўникма, малакалар фикрлаш операциялари орқали ўқув-тарбия жараёнини ташкил этади. [ 4, 14-б. ]

А.Гуломов ҳамда Ҳ.Неъматовлар таъкидлашича, интегратив жараёнлар бошқа фанлардан олинган маълумотлардан фойдаланиб, ўқувчиларни ҳар томонлама билимли қилиш имкониятига эга бўлишдир. Бунда ўқувчилар бадиий услубни адабиёт фанидан, илмий услубни биологиядан, кимё, физика, математика, иш қоғозлари услубини ҳуқуқ асослари фанларидан олинган материаллар асосида ўрганишлари назарда тутилади.[ 5, 38-б. ]

Интеграциянинг мазмун моҳияти Фаридиддин Атторнинг қуйидаги фикрларига ҳамоҳангдир: “Бу рўйи заминда майда нарсанинг ўзи йўқ, ҳамма нарса бир бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради”. [ 6, 6-б. ]

Интеграциялашган дарслар қуйидаги йўналишларда ташкил этилади:

- кўп предметлилик – бунда (икки ёки ундан ортиқ) фундаментал фанларни қиёслаш;
- чегара фанлар асосида – янги фанларни вужудга келтириш, бунинг асосида янги табиий ҳамда илмий фанлар вужудга келади;
- асосий (ўзак) фанлар – замонавий билимларнинг ҳамма тармоқларига сингиб кетувчи фанлар ва умумий илмий тушунчалар, қоидалар ва назариялардир ;
- комплекс объектларни ўрганиш, бу – « коинот », « одам », «муҳит» деган тушунчаларни бирлаштириш;
- маҳаллий (табиий – илмий билимлар) ва глобал (муҳим) муаммолар – илмий, экологик, полиетник, саноат ва мамлакатнинг маданий ривожланиши билан миллатнинг бугунги кундаги тутган ўрни чамбарчас боғлиқ;
- фаолият асосида - ўқув-тарбия фаолиятининг ҳар хил кўринишлари, яъни китоблар, кузатишлар, тажрибалар, билим, маҳорат ва кўникмалар;
- табиат ва жамиятнинг ривожланиш қонунларига бўлган шахсий муносабатни шакллантириш: кўргазмалар асосида интеграция, дидактик тизимида (ўқитувчи ва ўқувчининг фаолияти);
- кўргазмали ёндашишга олиб келувчи методлар ва усуллар – эвристик суҳбатлар (савол-жавоб услуби), режали бойитадиган суҳбатлар, экскурсиялар, ижодий ишлар, мустақил ишлар, пантомимика, сахна кўринишлари, намунали қироат билан ўқиш, иншо ёзиш, диктант, баён ёзиш, математик масалаларни ечиш;
- табиат ва инсон ягона тизими ва ўзаро алоқада фаолият кўрсатиш ҳамда инсоннинг ер қуррасида яшаб қолиши учун илмий асосланган фойдаланишни ташкил қилиш зарурлиги;
- илмий ўрганишни инсонпарварлаштириш жараёни ижтимоий гуманитар, табиий – амалий ва техник фанлар методларининг ўзаро таъсири, илмий фаолиятнинг гуманитар – шахсий методлари соҳаларида ифодаланди;
- таълимни ривожлантиришнинг энг умумий самарали йўли замонавий фанни турлича услубий ёндашувларини қулай ўзлаштириш;
- «табиат – инсон» тизимидаги табиий – илмий ва гуманитар фанларни интеграциялашуви сифатидаги гуманизациялашуви;
- табиатда мавжуд объектив алоқаларни ўзлаштириш орқали ўқувчилар шахсини шакллантириш;
- ҳар бир ўқув предметини ўқиётган пайтда ўқувчиларга тўғри келадиган психик кўзғалиш ҳосил қилиши, бу материални ўзлаштирилишига катта ёрдам беради, уни тез ёдда

сақлашга, эмоционал англашга, фикрлаш қобилиятининг ўсиши, нутқ ва тасаввурининг ривожланишига олиб келади.

Б.Зиёмухаммедов ва Ш.Абдуллаевалар ўқув жараёни технологияси алоҳида олинган битта дарсга, битта мавзуга ёки ўқув предметининг бир қисмига, бутун ўқув предметига тузиб чиқиши лозимлигини таъкидлаб, унинг 5 та тамойили борлигини кўрсатади:

Биринчиси - муайян дарс, мавзу, қисм, ўқув фанидан кутилган асосий мақсадни шакллантириб олиш;

Иккинчиси - дарсни ёки ўқув фанини модулларга ажратиб, ҳар бир модулдан кутилган мақсад ва модуллар ичида ҳал қилиниши лозим бўлган масалалар тизимини аниқлаб олиш;

Учинчиси - модул ичида тест саволларини тузиб чиқиш;

Тўртинчиси - мақсадларга етиш усулларини аниқлаш,

Бешинчиси - бир бутунлик тамойилига асосланиб, дарс қисмлари орасидаги зарурий боғлиқликлар ва фанлараро алоқаларга алоҳида эътибор қаратиш ҳисобланади.[7, 24-25б. ]

Интегратив таълимда - фанлараро билимларни (интегратив билимларни) чуқурлаштириш ва ошириш, уларни шакллантириш ўрганилади.

Интегратив таълим замонавий билимларнинг ҳар бир бўлимини қамраб олувчи асосий фанлар асосида тузилади. Улар қаторига педагогика, педагогик технология, педагогик психология, инсон ёши психологиясини ривожланиши жараёнини ўрганувчи педагогик-психология, фаннинг инсоннинг бошқа ҳаёт жараёнларига боғлиқлигини ўрганувчи: кибернетика – бошқариш, алоқа ва информацияни қайта ишлаш: информациянинг тузилиши ва хусусиятларини, унинг шахс шаклланишидаги ўрнини ўрганувчи фан информатикани киритиш мумкин.

Таълимдаги интеграция ўқув фанлари мазмунини танлашга тизимли ёндашиш орқали кўриб чиқилади. Шундан келиб чиқиб, интеграциянинг турли даражалари ажратилади:

- **Бошланғич интеграция;**

- **Оралик интеграция;**

- **Яқуний интеграция.**

Сўнги йилларда таълимни интеграциялашга доир бир қанча илмий-педагогик ва илмий-тадқиқотчилик ишлари олиб борилмоқда. Натижада, таълим жараёнини интеграциялаш билан боғлиқ кўплаб баҳсли мавзулар вужудга келди. Олимлар ва амалиётчи-ўқитувчилар ўқувчиларда қандай қилиб дунё тўғрисида яхлит тушунча ҳосил қилиш ва турли фанлар бўйича билимларни яқинлаштириш учун бир бутун дастурни тузиш тўғрисида бош қотирмоқдалар. Бир-бирига яқин бўлган фанларни бирлаштирувчи курслар ташкил этиш ҳаракатлари бўлмоқда: Масалан, умумий ўрта таълимда математика ва иқтисодиёт, математика ва информатика; олий таълим тизимида педагогика ва адабиёт фанларининг интеграциялашуви натижасида “бадий педагогика”, педагогика ва информатика фанларининг бирикишидан “виртуал музейлар педагогикаси” сингари интеграцияланган фанлар ҳосил бўлмоқда.

Чет эл тажрибаси билан танишиш шуни кўрсатадики, табиат ва жамият ҳақидаги билимларни ривожлантириш учун асос бўлувчи интеграцияланган фанлар кўпгина мамлакатларнинг ўқув дастурларига киритилган.

Шундай қилиб, ўқув фанларини интеграциялашга интилиш сўзсиз равишда жаҳонда ҳам, миллий педагогикамизда ҳам табиий ва етакчи характер касб этади. Ҳозирги вақтда ўқитиш ва таълим беришдаги интеграция муаммосига янада кучли эътибор қаратилмоқда. Бироқ, юқоридаги фикрларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, интеграция жараён сифатида фундаментал илмда ҳам, унинг шохобчаларида ҳам пайдо бўлди. Ҳозирги вақтда замонавий мактабда интеграцияни педагогик муаммоларни ечимини топувчи, мактабдаги фаолиятни яхшилашга, педагоглар жамоасини салоҳиятини оширувчи, уларга таъсир этишнинг оптимал йўллари топишга хизмат қилувчи омил деб қаралмоқда.

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, таълим интеграциясининг бош мақсади - шахсни ҳар томонлама камол топишини таъминлашнинг муҳим принципи сифатида майдонга келишидир. Бу эса, интеграциялашган таълимни шахсни интеллектуал ва маданий жиҳатдан ривожлантиришнинг бош омили бўлиб қолишини таъминлайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” //Баркамол авлод - Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. –Т.: “Шарқ” нашриёт матбаа-консерни. 1997-йил.
2. Мавлонова Р. ва Раҳмонқулова Н. Бошланғич таълимни интеграциялаш. Тошкент, 2011й.
3. Ҳасанбоев Ж., Тўрақулов Х., Ҳайдаров М., Ҳасанбоева О., Педагогика фанидан изоҳли луғат. –Т.: “Фан ва технология” нашриёти, 2008-йил.
4. Абдуллаева Б.С.Фанлараро алоқадорлик турлари ҳақида // Узлуксиз таълим. –2005. -.№1. - Б.14.
5. Ғуломов А., Неъматов Ў. Она тили таълим мазмуни.-Т.: Ўқитувчи, 1995.38 б.
6. Рўзимухаммад Б. Буюк шахслар силсиласи // Маърифат. - 2002. -№26. -Б.6.
7. Зиёмухаммадов Б., Абдуллаева Ш. Илғор педагогик технология.-Т.: Абу Али ибн Сино, 2001.-Б. 24-25.

Мақола муаллифи ҳақида маълумотлар

1.	Муаллифнинг Ф.И.Ш	Исмаилов Муродулла Қахрамонович
2.	Илмий даражаси ва унвони	Ўқитувчи
3.	Иш жойи ва лавозими	Сурхондарё вилояти Термиз Давлат Университети, Педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси
4.	Мақоланинг мавзуси	Таълим жараёни ва унда интеграция
5.	Рукн номи	Замонавий босқичда таълимни ривожлантириш муаммоларининг педагогик-психологик асослари
6.	Тақризчи	А.Рахматуллаев, п.ф.н. доцент
7.	Телефон рақами	+99890 956 93 23
8.	Электрон почта манзили	<a href="mailto:terdunuriddin@umail.uz">terdunuriddin@umail.uz</a>
9.	Нашр қилинган нусха зарурми (ха, йўқ)	Нашр қилинган нусха керак.

Термиз давлат университети Педагогика ва психология кафедраси ўқитувчиси  
М.Исмаилов томонидан ёзилган **“Таълим жараёни ва унда интеграция”**

номли мақоласига

### **Т А Қ Р И З**

Республикада таълим тизимини такомиллаштиришга қаратилган ислохотларда таълим-фан-ишлаб чиқариш интеграцияси тез-тез тилга олинмоқда. Таълимнинг ҳозирги замон фан – техника тараққиёти, бозор иқтисодиёти ва ишлаб чиқариш билан узвий ҳамкорликда ривожланиши зарурлиги “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”даги аҳамиятли ғоялардан биридир. Шунинг учун ҳам таълимни ривожлантиришда интеграциядан унумли фойдаланиш долзарб вазифага айланмоқда.

Интеграция-айрим бўлақларнинг ёки элементларнинг бир-бирига қўшилиши, бир бутунга айланиши, яхлитланишидир.

М.Исмаилов ўз мақоласида таълим жараёнига интеграцион ёндашувнинг моҳияти ҳақида маълумотлар келтирган. Шунингдек, мақолада “интеграция” тушунчасининг моҳияти, унинг турлари ва асосий йўналишлари ёритилган. Қолаверса муаллиф томонидан таълимнинг глобаллашуви шароитида фанлараро узвийликни кенгроқ қўллаш айти заруриятлиги, замонавий таълимда фанлараро узвийлик тамойилига таяниш таълим муассасалари ўқув жараёни учун тадбиқий тус олиши лозимлиги таъкидланган.

Шунингдек, мақолада олий таълим тизимида шаклланаётган ва ўқитилаётган интеграцион фанлар ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган.

М.Исмаилов томонидан тайёрланган “Таълим жараёни ва унда интеграция” номли мақоласи Низом талаблари асосида ёзилган бўлиб, мазкур мақолани нашрга тавсия этаман.

**Термиз давлат университети**

**Педагогика ва психология**

**кафедраси доценти:**

**п.ф.н. доц. А.Раҳматуллаев**